

Шу кунларда Таиландда сув спорт турларининг сузиш, сувга сакраш, сув полоси ва синхрон сузиш йўналишлари бўйича ёш гуруҳлари ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари муваффақиятли иштирок этмоқда.

Сув спорти: ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДАГИ МУВАФФАҚΙΑТЛИ ИШТИРОК

Китъанинг энг кучли сув спорт турлари вакиллари жам бўлган чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Муҳаммадисмоил Раҳмонов U18 ёш тоифасида 200 метрга брасс усулида сузиш дастурида 2:16.17 натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди.

Маҳоратли спортчи қизимиз Паризод Абдукаримова 50 метрга чалқанча сузиш финалида 29.85 сония натижа билан 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, Паризод 100 метрга чалқанча сузиш финалида 1:04.17 кўрсаткич билан бронза медалига эга чиқди.

Таъкидлаш жоизки, Муҳаммадисмоил Раҳмоновнинг Осиё чемпионатида қўлга киритган олтин медални Ўзбекистон терма жамоасининг мазкур ёш тоифаларидаги илк ғалабаси эканлиги билан аҳамиятлидир. Бунинг юртимизда сув спорт турлари бўйича янги истеъодлар бўй кўрсатаётганининг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин.

Чемпионат доирасида сув полоси бўйича кечаётган баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб ўйин намойиш этмоқда.

Аёллар ўртасидаги баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси Сингапур жамоасини 13:8 ҳисобида маглуб этди.

Эраклар ўртасидаги мусобақада ҳамюртларимиз авваллига Саудия Арабистони жамоасини 16:6 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, иккинчи ўйинда Ҳиндистон терма жамоасини 22:15 ҳисобида маглуб этди. Бу мусобақадаги кетма-кет иккинчи ғалаба эканлиги билан эътиборли бўлди.

12-Осиё чемпионати баҳслари 25 июлга қадар давом этади.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ БЎЛАЖАК АЛЛОМАЛАРИ

Халқаро кимё олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар 4 та медални қўлга киритди

Жорий йилнинг 11-18 июль кунлари юртимизда мактаб ўқувчилари ўртасида дунёдаги энг нуфузли интеллектуал мусобақалардан бири — 58-Халқаро кимё олимпиадаси (International Chemistry Olympiad — ICHO 2026) бўлиб ўтди. Аҳамиятлиси, мазкур олимпиада Марказий Осиё давлатлари тарихида илк бор Ўзбекистонда ташкил этилди.

Олимпиадада дунёнинг 94 давлатидан 1 000 нафарга яқин ўқувчилар, жамоа раҳбарлари, Халқаро илмий қўмита аъзолари, қузатувчилар ҳамда хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Мактаб ўқувчилари ўртасидаги энг йирик ва нуфузли халқаро фан олимпиадаларидан бири ҳисобланадиган Халқаро кимё олимпиадаси илк бор 1968 йилда Чехословакиянинг Прага шаҳрида ўтказилган бўлиб, Ўзбекистон 2003 йилдан буён мазкур нуфузли мусобақада иштирок этиб келади.

Бугунги кунда ICHO нафақат билимлар беллашуви, балки келажак олимларини бирлаштирувчи нуфузли халқаро платформа, мактаб ўқувчилари иштирокида ҳар йили ўтказиб келинадиган халқаро академик мусобақа ҳисобланади.

58-Халқаро кимё олимпиадаси синовлари икки асосий — амалий ва назарий босқич шаклида ташкил этилди. Умумий натижаларга қўра, энг яхши кўрсаткичларга эришган иштирокчи давлатлар вакиллари олимпиаданинг олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

Олимпиаданинг тантанали тақдирлаш маросими пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро Анжуманлар саройида ўтказилди. Унда ўзбекистонлик иштирокчи ўқувчиларнинг барчаси (4 нафар) совриндорлар қаторидан ўрин эгаллади.



Хусусан, Райҳона Тўймуродова — олтин медал, Жасур Мустафоев, Азизмуҳаммад Ҳафизов ҳамда Миржалол Ҳомиджоновлар кумуш медални қўлга киритишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 сентябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, мазкур нуфузли халқаро олимпиадада эришган медаллар учун ўзбекистонлик иштирокчиларнинг ҳар бирига қуйидаги пул мукофотлари берилиши қўзда тутилган:

олтин медал учун — 1 млрд. 30 млн. сўм, ўқитувчисига — 185,4 млн. сўм;

кумуш медал учун — 618 млн. сўм, ўқитувчисига — 103 млн. сўм;

бронза медал учун — 412 млн. сўм, ўқитувчисига — 61,8 млн. сўм.

Шунингдек, олимпиада ғолибларини синовларга тайёргалар ўқитувчиларнинг малака тоифаси бир поғона кўтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2026 йилнинг шу вақтига қадар юртимиз ўқувчилари 23 та халқаро фан олимпиадасида муносиб иштирок этиб, жами 192 та медални қўлга киритди.



32 та олтин



69 та кумуш



91 та бронза

(2019 йилда 30 та, 2020 йилда 25 та, 2021 йилда 45 та, 2022 йилда 41 та, 2023 йилда 96 та, 2024 йилда 128 та, 2025 йилда 210 та медал).



1211 эшитади...

ОДДИЙ САВОЛГА ОЛТИ ЙИЛДА ОЛИНГАН ЖАВОБ

Чустлик уч нафар фарзанднинг онаси Н. С. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, тўнғич фарзанди ақлий нуқсонли сабабли 2020 йилда руҳий касалликлар шифохонасида даволанган. Бироқ шундан кейин боланинг аҳволи энгиллашиш ўрнига оғирлашган. У махсус мактаб-интернатда таълим олади. Она фарзандига ногиронлик мақоми белгиланиши учун бир неча бор мурожаат қилганини, аммо турли сабаблар билан масала ҳал этилмаганини айтди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, унинг мурожаатига берилган расмий жавобда 2026 йил 8 май куни бола тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси қўригидан ўтказилгани ҳамда унга «ақлий заифлиқнинг энгил даражаси» ташхиси асосида икки йил муддатга ногиронлиги бўлган бола мақоми берилгани қайд этилган.

Бу ерда табиий савол туғилади. Агар боланинг соғлиги ногиронлик белгилаш мезонларига жавоб берган бўлса, нега бу қарор фақат 2026 йилдагина, касба уюшмалари аралашгач қабул қилинди? Ахир мурожаатда бола 2020 йилдан буён шифокорлар назоратида экани, махсус таъ-

лим муассасасида ўқиётгани ва руҳий касаллиги мавжудлиги кўрсатилган. Демак, масъул идоралар томонидан мазкур ҳолат ўз вақтида чуқур ўрганилмаган. «Оилага ҳуқуқий ва тиббий маслаҳатлар етарли даражада берилганими? Нега фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини излаб, йиллар давомида идорама-идора сарсон бўлган?» деган саволлар туғилиши ҳам табиий.

Оғриқли жиҳати шундаки, она нафақат моддий қўллаб-қувватлашни, балки фарзандининг ҳақиқий ҳолатини инобатга олишни сўраган. Бунинг учун у турли ташкилотлар эшигини қокди, ҳужжатлар тўплади. Аммо оддий саволга жавоб ололмади...

Аслида, масъул ташкилотлар ҳар бир мурожаатни фақат расмий ҳужжат сифатида эмас, балки унинг ортида инсон тақдир турганини ҳис қилган ҳолда қўриб чиқиши керак эмасми? Чунки ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган оила учун ҳар бир ой, ҳатто ҳар бир куннинг ўзи катта синов.

Албатта, ногиронлик мақоми охир-оқибат белгиланди. Аммо асосий савол очик қолмоқда. Қарор барибир қабул қилинган бўлса, нега олти йил аввал бунинг имкони бўлмаган? Саволга аниқ, асосли ва ҳолис жавоб бериш нафақат ушбу оила, балки шундай муаммога дуч келган минглаб юртдошларимиз учун ҳам муҳим.

Зеро, ҳақиқий ижтимоий ҳимоя фуқаро энг қийналган пайтда унга елкадош бўлишдир. Ёрдам кечикиб эмас, айнан вақтида кўрсатилгандагина ўз қадри ва аҳамиятини намоён этади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

УМИД ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги «Пахтакор» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилбар Содиқова 2024 йилда уйининг томида кимёнинг асосий қисми бўлиб, «Ишонч телефони»га сиз қоққан эди.

Мурожаат мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилгач, у «Аёллар дафтари»га киритилиб, оиласига 10 миллион 175 минг сўмлик қурилиш материаллари ҳамда уй-жой қуриш учун 8 минг дона гишт ҳам олиб берилган. Шунингдек, унга куз-қиш мавсуми учун ҳар

йили кўмир ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари бериб келинган.

Яқинда у яна ташкилотга боғланди. Унинг арзи йўлланган Бандихон тумани ҳокимлиги мурожаатни эътиборсиз қолдирмади. Аввало, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тушунтирилиб, маҳалла еттиликка бириктирилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб ва мурожаатчининг яшаш шароити инобатга олиниб, келгусида унга моддий ёрдам берилиши режалаштирилди.

Бойсун туманидаги «Мачай» маҳалласида яшовчи Тошхол Астанақулова ҳам «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, II гуруҳ ногирони эканини, 4 йилдан буён суяк емири-

лиши ва инфекция билан хасталанганини баён қилган. Даволаниш учун имконияти йўқлиги, моддий аҳволи ёмонлигини билдириб, имтиёзли йўлланма (ордер) олишда амалий ёрдам сўраган.

Ўрганишлардан сўнг Т.Астанақуловага тезда ёрдам қўллари чўзилиб, у туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида барча клиник лаборатория ва тиббий текширувлардан бепул ўтказилди. Шунингдек, мутахассисларнинг хулосаси асосида мурожаатчига вилоят кўп тармоқли тиббий марказида давола-ниши учун имтиёзли йўлланма ажратилди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Статистика



Рекламали қўнғироқ ва SMSларга янги чекловлар жорий этилади

Давлат раҳбарининг 2026 йил 15 июлдаги «Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини такомиллаштириш ҳамда фуқаролар учун қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қўра, жорий йил 1 ноябрдан рекламали SMS ва қўнғироқлар фақат фуқаронинг ёзма ёки электрон розилиги билан юборилади.

Реклама тарқатувчи компаниялар эса ахборот тизимини Шахсга доир маълумотлар базалари давлат реестрида рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Шу билан бирга, соат 18:00 дан 09:00 гача рекламали қўнғироқ ва SMS юбориш тақиқланмоқда.

Мобил операторлар абонент сўровига қўра рекламали қўнғироқ ва хабарларни тўлиқ ёки қисман блоклаш ҳам мажбурий бўлади.

Мазкур талабларни бузиш эса реклама ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади.

Ёдингизда бўлса, «Ishonch» газетасида айна масала хусусида бир неча бор мақолалар эълон қилинган эди.

Қуйидаги QR кодлар орқали
ушбу мақолаларни ўқинг:

«СУРЪЕТ» СМСЛАР:
РУХСАТСИЗ ЮБОРИЛАЁТГАН
ТЕЛЕФОН ХАБАРНОМАЛАРИ
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНИШИ КЕРАК!



«Ishonch» газетасининг
2023 йил 9 сентябрдаги 112-сон

«ЮЗ МИНГ КИШИ ОРАСИДАН
ТАНЛАНГАН ОДАМ»



«Ishonch» газетасининг
2026 йил 12 февралдаги 20-сон



Муносабат

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 16 июль куни маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда «маҳалла еттилиги» фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор ташаббуслар илгари сурилди, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Кайд этиш лозимки, ҳозир биз шиддатли бир даврда яшаямиз. Масофалар қисқариб, ахборот оқими сонияларда дунёга ёйилмоқда. Технологик инқилоб, виртуал мулоқот имкониятлари ҳаётиймизни қанчалик енгиллаштирган бўлса, минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятларимиз ва ижтимоий муносабатлар тизимини ҳам шунчалик жиддий синовлар олдиға кўймоқда.

Ана шундай ўзгаришлар чорраҳасида ўзбек халқининг энг қадимий ва ноёб ижтимоий институти – маҳалла турибди. Глобаллашув жараёни кўчаиб бораётган бир даврда унинг асл моҳиятини қанчалик англаймиз? У биз учун фақат маъмурий ҳудудми ёки миллатнинг маънавий хотираси ва ижтимоий бирдамлигини сақлаб турувчи муқаддас кўргонми? Бу саволларға берган жавобимиз нафақат ўтмишға муносабатимизни, балки келажакда қандай жамият қуришимизни ҳам белгилайди.

Тарихан маҳалла шунчаки кўчалар ва хонадонлар йиғиндиси бўлмаган. У Шарқ тафаккури, ислом цивилизацияси ва ўзбекона турмуш тарзининг амалий ифодаси сифатида шаклланган. Инсоннинг туғилишидан тортиб, умрининг охиригача бўлган жараён жамоа нигоҳида, меҳр-оқибат ва ўзаро ёрдам муҳитида кечган.

Бирок замонавий ҳаёт тарзи бу муносабатларға жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, йирик шаҳарларда кўп қаватли уйлар сонининг ортиши, ҳаёт суръатининг тезлашиши натижасида қўшничилик алоқалари заифлашиб бормоқда. Бир бинода яшаб, бир-бирини танимайдиганлар кўпаймоқда. Ижтимоий тармоқларда юзлаб «дўстлар» орттираётганлар баъзан ён қўшинисининг аҳволидан беҳабар қолмоқда. Ҳақиқий муносабатлар виртуал мулоқот билан алмаштирилганда ижтимоий бирдамлик сусайиши яққол намоён бўлмоқда.

Азалдан маҳалла оила мустаҳкамлигини таъминловчи, келишмовчиликларни юмшатувчи, ёш оилаларға маслаҳат берувчи ва маънавий таянч бўлувчи муҳим макон саналган. Нурунийлар, тажрибали онахонлар муаммоларни оқилона ҳал қилишға ёрдам беришган. Эндликда эса уларни ҳуқуқий ёки маъмурий йўллар билан ҳал этишға уринилмоқда.

Албатта, қонун устуворлиги муҳим. Аммо унинг ўзи меҳр, ҳурмат ва оилавий масъулият каби маънавий туйғуларни шакллантира олмайди. Маҳалланинг кучи айнан ана шу қадриятларға таянади. Шу сабабли унинг тарбиявий ролини тиклаш оила ва жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Бугун маҳалла давлат сиёсатида ҳам муҳим ўрин эгаллаб, турли ижтимоий вазифаларни амалға оширишдаги роли ошиб бормоқда. Йиғилишда бу ноёб институтға кўплаб ваколатлар берилди. Жумладан, маҳалларда хусусий боғча, мактаб, клиника ва спорт иншоотлари қуриш учун ерни аукционға чиқариш ваколати маҳалла раисларига бериладиган бўлди. Йил давомида энг кўп тадбиркорларни рўйхатға олган, энг кўп янги иш ўрни яратган, тушум даражаси энг юқори бўлган ва энг кўп қўшимча солиқ базаси топган 200 та маҳалла 2 миллиард сўмдан мукофот олади. Нотураб объектлардан тушган ер ва мулк солиғининг 5 фоизи маҳалланинг ўзига қайтади. Шу зайл уларнинг ихтиёрида йилиға яна 400 миллиард сўм қолади.

Тарихан маҳалла халқнинг ўзини ўзи бошқариш шакли бўлган. Агар у фақат ҳисоботлар, расмий тадбирлар ва маъмурий вазифалар доирасида қолиб кетса, энг катта бойлиги – одамлар ишончи ва самимияти сусаяди. Бу жиҳатдан «маҳалла

Салим АБДУРАҲМОВ «ISHONCH»

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимаиди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

Амир Темур



Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси тасарруфидаги 9 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида мавсум давомида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 6520 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган. Ҳозирги кунға қадар эса 4975 нафар бола оромгоҳларда мазмунли дам олиб, соғломлаштириш тадбирларида иштирок этди.

Вилоятда оромгоҳлар жорий йилнинг 5 июнидан ўз фаолиятини бошлади. 4 мавсум давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида штаб тузилиб, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва мавсумни талофатсиз ўтказиш мақсадида кундуз ва тунги навбатчиликлар жорий этилди.

Оромгоҳларда 9 нафар бош тарбиячи, 48 нафар етакчи, 65 нафар тарбиячи, 9 нафар сузиш йўриқчиси, 9 нафар спорт мураббийи, 4 нафар тўгарак ва 9 нафар мусиқа раҳбари лавозимларида тажрибали мутахассислар иш олиб боришяпти. Улар мавсум олдидан 12 кунлик намунавий дастур бўйича ўқитилди. Қолаверса, оромгоҳлар раҳбарлари ва бош тарбиячилари иштирокида мавсумни хавфсиз ва беталофат ўтказиш мақсадида ўқув-семинари ҳам ташкил этилди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ҳамда Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси ҳамкорлигида «Ёзги таътил қандай ўтмоқда» мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Ко-

сонсой туманида жойлашган «Соҳил» болалар оромгоҳида бўлган журналистлар ва блогерлар ёзги дам олиш мавсумининг юқори савияда ташкил этилиши, болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, соғломлаштириш ишлари ва яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Пресс-тур давомида ташкил этилган маданий-маърифий, спорт ва ижодий тўгараклар фаолияти намойиш этилди. Шунингдек, болаларнинг кунлик дам олиш режаси, овқатланиш сифати, санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши, тиббий хизматнинг йўлга қўйилгани ҳамда хавфсизлик чоралари ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбир иштирокчилари ошхона, ётоқхоналар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, кутубхона, тўгарак хоналари ва тиббиёт пункти фаолияти билан ҳам танишиб, яратилган шароитларни ажойиб баҳо бердилар. Айниқса, ёшларнинг китобхонлиққа, спортға, санъат ва замонавий ахборот технологияларига қизиқишини оширишға қаратилган машғулотлар уларда катта таассурот қолдирди.

Маълумки, жорий йил ёз мавсумидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабгача ва мактаб



таълими ва зирлиги, Ўзбекистон маҳалалари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қўшма қарорига асосан, вилоятдаги камбағал оилаларнинг 3750 нафар аълочи фарзандлари давлат маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилди. Бугун-

гача, яъни иккинчи ва учинчи мавсум давомида 2493 нафар ўғил-қизлар ҳордиқ чиқарган бўлса, тўртинчи мавсумда яна 1257 нафар ижтимоий реестрға киритилган камбағал оилаларнинг аълочи фарзандлари оромгоҳларға жалб этилади. Бундан ташқари, Вилоят касба уюшмаси тармоқлари ходимларининг 2642 нафар фарзандлари ҳам оромгоҳларда ёзги таъилни мароқли ўтказишмоқда.

Фаолиятни тўлақонли ёритиб бориш ва йўлланмаларни харид қилиш учун «Oromgohlar.uz» платформаси мавжуд ва бу орқали эркин савдо йўли билан 128 нафар жисмоний шахслар фарзандлари учун йўлланмаларни харид қилдилар.

Оромгоҳлардаги ҳар бир кун мазмунли ва таассуротларға бой тарзда ўтмоқда. «10 кун – 10 клуб – 10 имконият!» шиори остида клуб ва тўгараклар ташкил этилган. Масалан, «Қум» тўғарагига 799 дан зиёд бола аъзо бўлган. Улар кумдан турли хил тарихий биноларни ясашади. «Лего, кубик-рубик» тўгаракла-

Ёзги соғломлаштириш

ТАЪТИЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

Уч ойлик таътилнинг ярмидан кўпи ўтди. Бу вақт давомида болаларнинг оромгоҳларда дам олиб, ҳордиқ чиқариши учун Наманган вилоятида қандай ишлар амалға ошириляпти?



рида 511 нафар бола ақлий салоҳиятини ошириб бормоқда. «Робототехника» клуби тўгаракларида ҳозирға қадар 467 нафардан ортик бола билим олди. «Бисер тикиш, тўқиш ва зардўзлик» ва «Қулоччилик» клубларида 700 нафардан зиёд болақонлар қулоччилик ва зардўзлик санъати бўйича малакали мутахассислардан хунар ўрганишяпти. «Китобхонлик», «Медиа клуб», «Хорижий тиллар», «Қўғирчоқ театри» каби клублар ҳам болалар истеъдоди ривожига хизмат қилмоқда. Табиийки, спорт тўгаракларида кичкинтойлар футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка билан шуғулланишяпти.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан тақдим этилган видеофильмлар бўш вақтлар мазмунли ўтишиға хизмат қилмоқда.

Оромгоҳларнинг барчасида энг замонавий спорт майдончалари, чўмилиш масканлари, ошхона, ётоқхона, ўйингоҳ, ёзги амфитеатр мавжуд. Болалар ҳар кунги беш маҳал иссиқ ва фойдали таомларни тановул қилишади.

Бир сўз билан айтганда, ёз кунларини тенгдошлари ва янги дўстлари даврасида ўтказаяётган дилбандларимизнинг қувончи чексиз. Бу уларнинг янги ўқув йилини ҳар жиҳатдан кучға тўлиб, завқ билан бошлашларига катта имконият яратади.

Илҳомжон ИКРОМОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи

Касаба уюшмаси аралашғач...

Даъво тўлиқ қаноатлантирилди

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фаолият олиб борган фуқаро С.Ш. 2026 йил 14 апрелда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгашиға мурожаат қилди. Арзда у меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган алоҳида асосларға кўра бекор қилингани, аймо иш берувчида мутахассислиги ва малакасиға мос бўш иш ўрни мавжудлигини маълум қилиб, ишға тикланишида амалий ёрдам сўраган.

Мурожаат атрофлича ўрганилғач, кенгаш томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигиға тақдимнома киритилиб, фуқаронни бўш турган бош мутахассис лавозимига қабул қилиш сўралди. Бироқ иш берувчи ушбу асосли тақдимномани қаноатлантирмагани сабабли, касаба уюшмаси фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судиға даъво аризаси билан чиқди.

Суд ишни ҳар томонлама, ҳолисона кўриб чиқиб, 2026 йил 2 июлда касаба уюшмасининг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантирди ҳамда иш берувчи зиммасига фуқаро билан меҳнат шартномасини тузиш мажбуриятини юкледи. Шунингдек, С.Ш. фойдасига тўланмай қолган иш ҳақи ҳамда етказилган маънавий зарар учун 50 миллион 277 минг 266 сўм маблағ ундиришни белгиледи.

Махсет ПУРХАНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



МАЪРИФИЙ СУҲБАТЛАР



«Оқтош» санаторийсида юртимизда амалға ошириляётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда жамиятда бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашға қаратилган «Маърифат соати» ташкил этилди.

Дам олувчилар ва ходимлар қатнашган тадбирда Дин ишлари бўйича қўмита раисининг матбуот қотиби, ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Илҳом Маъруфوف мамлакатимизда диний-маърифий соҳада олиб бориляётган кенг қамровли ишлар ҳақида сўз юритди. Хусусан, «Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маъ-

рифат йўли» мавзусида I Халқаро ислом цивилизацияси форуми юқори савияда ўтказилганини таъкидлади. 40 дан ортик мамлакатдан 300 нафардан зиёд олимлар, дин арбоблари, тадқиқотчилар, халқаро ташкилотлар ва давлат идоралари вакиллари иштирок этиб, Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларини қамраб олган форум ислом цивилизациясининг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, шунингдек, халқлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлида муҳим аҳамият касб этганини қайд этди.

Санаторий-курортлар бош бошқармасининг маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси Махмуда Мурзаева эса Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, юртдошларимиз ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида амалға ошириляётган кенг қўламли ишлар ҳақида атрофлича гапириб берди.

Сихатҳоларда яратилган шарт-шароитлар, бундай маърифий учрашувларнинг аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган, очиқ мулоқот ва савол-жавобларға бой тарзда кечган тадбир барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз

Учрашув

Миннатдорлик

1996 йилдан буён Паркент туманидаги 31-Маданият марказида ишлаб келаман. 2013 йилнинг 5 октябрида ташкилот раҳбари топшириғига кўра меҳнат жамоаси билан пахта териш учун жалб қилинганман. 2013 йил 5 октябрда даладан қайтиш чоғида автофалокат сабабли тан жароҳати олганман.

БЕҒАРАЗ КЎМАК УЧУН ТАШАККУР

Менға ёпиқ бош мия жароҳати, бош мия чайқалиши, пастки жағ бурун усти эзилиб йиртилиш жароҳати, ўнг ўмров, бурун суяклари синиши тапхислари қўйилган. Лекин бахтсиз ҳодиса бўйича иш берувчи томонидан Н-1 далолатнома тузилмаган. Ушбу далолатнома тузилишда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашиға мурожаат қилдим.

Мурожаатим вилоят кенгаши меҳнат инспекторлари томонидан ўрганилди. Иш берувчи ҳамда масъул ходимлар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида Н-1 шаклдаги далолатнома расмийлаштирилди.

Хуқуқларимнинг тикланишида беғараз ёрдамини аямаган касба уюшма ходимларидан беҳад миннатдорман.

Ирода ДАДАМАТОВА,
Тошкент вилояти Паркент туманидаги 31-Маданият маркази ходими

Табиат бу ҳар бир саҳифаси буюк мазмунга эга ягона асардир.

Иоганн Волфганг Гёте

Рухият иқлимлари

Кўзни экрандан узиб...

ТўНҒИЧ БОЛА ТУҒ БЎЛАР(ми?)

Оилада катта фарзанд бўлиш болаликни йўқотиш дегани эмас

Деразадан кўчага қараб туриб, қўшнимнинг тўнғич ўғлига кўзим тушди. У бор-йўғи беш ёшда. Жажжигина кўлчалари билан эн-дигина иккига тўлган синглисининг билагидан маҳкам тутиб олган, бошқа кўлида эса чиқинди солинган ўзидан каттароқ халтани судраб боряпти. Бир четда эса тенгдошлари шодон қийқириб, тўп ўйнамоқда. Болакай уларга ҳавас билан маҳзун қиёфада тикилиб қолади, лекин ўйинга қўшила олмайди. Чунки уйда онаси рўзғор ишлари билан банд. Унга халақит бермаслик учун синглисини кўчада айлантириши, овутиши шарт. Болакайнинг миттигина елкасига шундай улкан масъулият юкланган.

Бу манзара ўзбек оилалари учун шу қадар оддий ҳолки, кўпчилик ҳеч қандай оғриқни кўрмайди. Аксинча, ақлли бола экан, онасига суянчиқ бўляпти, баракалла деб мақтаб кўяди. Ваҳоланки, айнан мана шу нуқтада болаликнинг эрта ва шафқатсиз яқунланиш жараёни бошланаётган бўлади. Бу боланинг эрта улғайиб, ўз ота-онаси масъулиятини елкасига олиши ёки оилада катталар вазифасини бажара бошлашидир.

«Сен каттасан, йиғлама, сен акасан, чидашинг керак, кичкиналар сендан ўрнак олади», каби кундалик босимлар оилада биринчи бўлиб дунёга келган болалар учун ички қонунга айланади. Иккинчи фарзанд туғилиши билан тўнғич боланинг болалик ҳуқуқи гўёки бекор қилинади.

Ўзбекчилик оилавий моделида катта фарзандга сулоланинг кейинги вакили деб қараб, унга хаддан ташқари эрта жавобгарлик юклаймиз. У нафақат укалари ёки сингилларининг хатти-ҳаракатига масъул, балки ота-онанинг ҳам

бор дард-ташвишига шерик бўлишга, уйдаги муаммоларни катталар билан бирга ҳал қилишга мажбур этилади. Натижада болада мен фақат фойдам тегсагина, кимнингдир мушқулини енгиб қилсамгина севилиман, деган совуқ психологик блок шаклланади. У шу тарзда ўз туйғуларини ичига ютишни ва ўзини доим иккинчи ўринга қўйишни ўрганади.

Менталитетимизда кўпинча болалар ўртасида жанжал чиқса, ким айбдор бўлишдан қатъи назар, албатта, тўнғич фарзанд жазоланади ва унга сен каттасан, деган айб қўйилади. Бундан кичик фарзанд илхомланади ва ҳар доим ака ёки опанинг орқасидан панох топади. Бу ҳолат ўз-ўзидан ундаги эгоизмни кучайтиради ва улғайганда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишдан қочиб, доим ака ёки опанининг тайёр кўмагига суяниб яшашга ўрганиб қолади.

Бундай сохта «қахрамонлик» вақт ўтиши билан боланинг шахсий орзулари ва келажагини биринчи бўлиб қурбон қилишга олиб келади. Улғай-



ган сари унга укаларингни оёққа турғизиб олайлик, кейин сени ўқитамиз, уйлаймиз, сен укаларингга тиргак бўлишинг керак, деган шартлар қўйила бошлайди. Қанчалаб катта акалар ва опалар ўз умрини, топган даромадини укалари билан бўлишади, уларга ғамхўрлик қилади, уларнинг шахсий муаммоларини ҳал этади. Буларнинг бари катта ака ва опани руҳан ва жисмонан чарчатади. Йўқ дунёсида улкан алам ва чарчоқ бўлса-да, у тиш-тирноғи билан оила аравасини тортаверади. Энг аламлиси, йиллари ўтиб ука-сингиллар ўз йўлини

топиб кетганида, умрининг маълум қисмини уларга бахшида қилган тўнғич фарзанд энди хувиллаган ички дунёси билан ёлғиз қолади.

Шу тарзда эрта улғайган, беш ёшдаёқ «ота-она»га айланган мўминтойлар катта ҳаётда ҳам жиддий психологик муаммоларга дуч келишади. Масалан, улар ишхонада ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ҳамма нарсани назорат қилишга уринишади ва дам олиш улар учун гўёки айбдорлик ҳиссини уйғотади. Болалигидан фақат гапга киргани ва хизмат қилгани учун макталиб ўрган-

ган инсон ўз шахсий чегараларини ҳимоя қилолмайди-ган қурбонга айланади. Улар кўпинча ўзларига масъулиятсиз, заиф ёки доимий ёрдамга муҳтож жуфтларни танлашади, чунки онгу шуурида болалигиданоқ фақат кимнидир қутқариш ва ғамхўрлик қилиш орқалигина ўз қадрларини ҳис қилиш мумкинлиги муҳраб қўйилган.

Миллий тарбиямизнинг ушбу оғриқли жиҳатини тузатиш учун биринчи навбатда ота-оналарнинг қарашлари ўзгариши керак. Улар англаётгани шарт бўлган энг муҳим ҳақиқат шундаки, болани дунёга келтириш ва вояга етказиш фақат ва фақат ота-онанинг масъулиятидир. Катта фарзанд ҳам ҳамма қатори хато қилишга, эркаланишга ва болалик тағини суришга ҳақли бўлган оддий боладир. Унга рўзғор ишларидagi ёрдами учун миннатдорлик билан муносабатда бўлиш лозим. Оиланинг катта фарзанди бўлиш умрбод берилган мажбурий жазо ёки ҳукмга айланмаслиги ота-оналар олдидаги муҳим вазифадир.

Агар сиз ҳам болалигингизни мана шундай масъулиятлар остида қолдириб келган бўлсангиз, бугун ўзингизга ўша берилмаган эркинликни қайтариш вақти келди. Сиз бутун дунёни ва оиланинг барча муаммоларини елкада кўтариб юришга мажбур эмассиз. Баъзан шунчаки ўз ҳаётингизда яшашга ўзингизга рухсат беринг.

Дилдора ИБРОХИМОВА
«ISHONCH»

Санъат

САНОБАРНИНГ САҲНАГА ҚАЙТИШИ

2009 йилнинг 6 март куни эди. Хотин-қизлар байрами муносабати билан Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусикали драма ва комедия театрида бўладиган тадбир сценарийси бўйича маслаҳатлашиш учун ўша вақтдаги вилоят ҳокими ҳузурига кирдим. У тантанали маросимга таклиф этилажак санъаткорлар рўйхати билан синчиклаб танишди. Кейин мендан: «Бир пайтлар Санобар Раҳмонова деган эл суйган хонанда бўларди. Ўқувчилик пайтларида айтган кўшиқлари ҳали-ҳануз ёдимизда. У ҳақда «Куйла, Санобар!» номли телефильм ҳам яратилган. Опанинг бугунги ҳолати қандай? Нима учун санъатдан узоқлашган? Умуман, опанинг тақдири ҳақида бирон-бир маълумот борми?», деб сўради.



Мен Санобар опа Асакада туғилиб ўсгани, ҳозир ҳам шу ерда турмуш ўртоғи, таниқли санъаткор Илҳомжон Жўраев билан фарзандлари ардоғида яшаётгани ҳақида қисқagina маълумот бердим, бироқ нима сабабдан ижод билан шуғулланмай қўйгани ёки оммавий ахборот воситаларида кўринмаётгани ҳусусида жўяй гап айтолмадим.

Шунда ҳоким: «Сиз ҳозироқ суриштиринг. Топсангиз ва соғлиғида муаммо бўлмаса, тадбир иштирокчилари рўйхатига киритинг. Опанинг маросимда шунчаки қатнашиши ҳам мухлисларига кўтаринки кайфият бағишлайди. Мабоодо, эътиборимиздан рухланиб, биронта ашула айтиб бераман, деб қолса, байрам дастурининг энг гўзал қисми Санобар Раҳмонованинг чиқиши бўлади, ишонаверинг», деди. Кейин: «Ҳеч эътибор берганмисиз, ҳар йили ўқитувчи ва мураббийлар кунда телерадио дастурларида унинг «Устозлар» кўшигини қайта-қайта эфирга узатишади, Таълим ходимларининг анъанавий август анжуманлари айнан шу ашула

билан бошланади, шундай пайтларда вужудингизни ажиб бир туйғу чулғаб олади», дея кўшимча қилди.

Мен ҳоким қабулидан чиқиб, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари, тадбир режиссёри Маннон Ҳамидовни раҳбар кўрсатмасидан воқиф этиб, опанинг хонадонига юбордим.

Орадан бирор соат ўтгач, Маннон ака Илҳомжон Жўраев ва Санобар Раҳмонованинг ёнида туриб, менга кўнгиروق қилди. Телефонни Санобар опага бераётганини айтди. Унга раҳбарнинг мақсадини етказдим. Опа қутилмаган эътибордан ўзи, оила аъзолари ҳам бениҳоя хурсандлигини, маросимга боришини, кўп йиллардан буён саҳнага чиқмаган

бўлса-да, бу сафар вилоятнинг фаол аёллари учун бир жуфт кўшиқ қуйлаб беришини билдирди...

Ишонасизми, байрам дастурида афсонавий кўшиқчининг исм-шарифи эълон қилинганда ҳамма ўрнидан туриб кетди. Қарсақлар тинмади, залда сеҳрли ва таниш овоз янграй бошлади:

Бизни меҳр билан сийлаган,
Бахтимиздан ёниб сўйлаган.
Бизни, фақат бизни уйлаган,
Онажонлар, асалом,
Жонажонлар, асалом!..

Санобар опанинг чиқиши ўша куни маросим қатнашчилари учун ҳақиқий совға бўлди. Тадбир поёнида у вилоят ҳокимига санъатга бўлган ҳурмат-эътибори учун миннатдорчилик билдирди. Раҳбар эса: «Кўрдингизми, мухлисларингиз Сизни қанчалик соғинишган, ҳурмат қилишади. Сиз санъатга албатта қайтишингиз керак!», деди.

Шу кундан бошлаб Санобар Раҳмонова яна эл оғзига тушди, саҳнага қайтди. Мухлисларининг кўзини, қалбини қувонтирди. Оммавий ахборот воситаларида кўриниш бериб, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари тадбирларида фаол қатнаша бошлади.

Санобар Раҳмонова ўтган йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Давлатимиз раҳбарининг бу фармони миллионлаб юртдошларимизни, санъат шайдоларини беҳад қувонтирди...

Шўкрулло НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Санобар Раҳмонова ижросида

«УСТОЗЛАР» кўшиғи

Ўзлат Мўмин шеъри

Меҳр нури ёғар доим кўзингиздан, устозлар,

Юрсам дейман бу табаррук изингиздан, устозлар.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda namba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDULLILOV

Boshisha topshiriq vaqti – 21:00

Topshiriq – 21:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta

Shundan: 6 519 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaqo. **Buyurtma: 540**

1 2 3 4 5 6